

## Умидсизликни енган Ато ибн Аби Рабоҳ



11:30 / 23.12.2021 3620

Тобеъинлар саййиди Ато ибн Аби Рабоҳ раҳимахуллоҳ қоп-қора, ғилай, чўлоқ, бурни Миср ловияси каби пучуқ киши эди. Кейинчалик кўзи кўр бўлиб қолди. У ҳақида Иброҳим Ҳарбий шундай дейди:

«Ато Маккалик бир аёлнинг қули эди. Унинг бурни Миср ловиясига ўхшар эди».

Шунча нуқсони бўла туриб уни нима ишлар қилди деб ўйлайсиз?!

У синиб қолдими? Бу машаққатлардан қутилиш учун зор-зор йиғладими?

У ўзича: «Мен қулман. Менда шунча нуқсон бор. Шу ҳолимда қоламан. Мени ҳеч ким қабул қилмайди», дедими?

Аммо унинг эшитадиган қулоғи, юрадиган оёғи, гапирадиган тили, ёзадиган қўли, фикрлайдиган ва ёдлайдиган ақли бор эди. Булар Атодаги бор нарсалар эди. У келажакка ишонч билан боқар, ўзи молик бўлган неъматлардан рози эди. У ўзгариш инсон замиридан бўлишини билар эди. У учун муҳими уни инсонлар қандай кўриши эмас, балки ўзини ўзи қандай кўриши эди. Агар ўзингни кучли ва закий кўра олсанг шундай кўринадан ва инсонлар ҳам шунга асосан муомала қилишади. Бахтиёр инсон борлиқни бахтиёр кўрган кишидир.

Умавийлар даврида ҳаж мавсумида нидо қилгувчи «Атодан ўзга киши фатво бермасин», деган эди.

Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ: «Атодан афзал кишини кўрмаганман», деган эдилар.

Иброҳим ал-Ҳарбий айтади: «Мўъминлар амири Сулаймон ибн Абдулмалик икки ўғли билан Атонинг ҳузурига келди. Улар Атодан кўп нарса сўрашди. Ҳатто Ато уларга тескари қараб олди. Сўнгра Сулаймон ўғилларига: «Туринглар!», деди. Улар туришди.

Сулаймон доим ўғилларига: «Эй ўғилларим! Илм олишда сустлик қилманг. Мен ўша қора қул ҳузурида хор бўлганимизни ҳеч унутмайман», дер эди.

Ато ибн Аби Рабоҳ ўз замонида дунё олими бўлди.

Бу ўзига ишонган, ҳаётга ишончла боққан кишининг ҳаётидан бир лавҳадир. Шундай экан, ҳаракатда бўлинг, келажакка ишонч ила боқинг, нуқсонингизга парво қилманг. Сизда Атоники каби нуқсонлар йўқ. Тушкунлик нечун?!

**«Умидсизликни шундай енгилган» китобидан.**

**Абдулқодир Полвонов таржимаси.**